

## Товламачилик Жиноятини Олдини Олишни Такомиллаштириш Давр Талаби Ва Жамият Эҳтиёжидир

Ирисбеков Улуғбек Аскарбекович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мақолада дунёда содир этилган товламачилик жиноятининг бугунги ҳолати таҳлил қилинган. Муаллиф ўтказилган тадқиқотлар ҳамда статистик маълумотлар таҳлилига асосланиб, товламачилик жиноятининг содир этилишини тақозо этган омилларни ўрганган. Шунингдек, мақолада товламачиликни содир этилиши сабаб-шароитлари, вақти ва жойи, содир этган шахсларнинг ҳолатини инobatга олган ҳолда аниқ объектга йўналтирилган манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ўтказилган тадқиқот ва амалиёт таҳлилларига асосланган ҳолда товламачилик жиноятини барвақт профилактикаси бўйича илмий хулосалар, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** товламачилик, барвақт профилактика, зўравонлик, сабаб-шароит, ижтимоий профилактика, ижтимоий муҳит.

Дунёда инсонларга зўрлик ишлатиш, уларнинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошқор қилиш билан кўрқитиш орқали жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш билан боғлиқ товламачилик жиноятларининг кўпайиб бориши ҳамда уларнинг замонавий усулларда содир этилиши кузатилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда янги тактикада “товламачи-дастур” асосида содир этилган жиноятлар “товламачилик 2.0” деб номланган. Ушбу жиноятларнинг 2021 йилда қурбонлари сони 1,5 мингтага етиб, 2020 йилга нисбатан 30 фоизга ошган<sup>1</sup>. Ҳалқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, биргина 2021 йилнинг биринчи олти ойида дунёда 304 миллиондан ортиқ товламачилик жинояти фақатгина компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган<sup>2</sup>.

2020 йилда товламачиликдан жабрланган 76741 нафар шахсларга етказилган зарар 70 млн 935 минг 939 АҚШ доллари; шахсий маълумотларни ўғирлашдан жабрланган 45330 нафар шахсларга 194 млн 473 минг 55 АҚШ доллари; идентификацион маълумотларни ўғирлаш жабрланган 43330 нафар шахсларга 219 млн 484 минг 699 АҚШ доллари; корпоратив маълумотларни шифирлаш(ўғирлаш)дан жабрланган 2794 нафар шахсларга 128 млн 916 минг 648<sup>3</sup>ни АҚШ долларларини ташкил этган.

Бундан ташқари глобал миқёсда компанияларга товламачиларнинг дастурлари орқали амалга оширилган кибер ҳужумлар сони ўтган йилга нисбатан 93 фоизга ошганлиги<sup>4</sup> товламачилик

<sup>1</sup>История года: программы-вымогатели в заголовках СМИ <https://securelist.ru/the-story-of-the-year-ransomware-in-the-headlines/104130/> (мурожаат 21.01.2023 соат 10-25)

<sup>2</sup>Число кибератак с целью вымогательства выросло в мире в 2,5 раза. <https://www.dv.ee/novosti/2021/08-19/chislo-kibernapadenij-s-celju-vymogatelstva-vyroslo-v-mire-v-25-raza>

<sup>3</sup>Социальная инженерия в 2021 году [https://go.kaspersky.com/rs/802-IJN-240/images/Social\\_Engineering\\_Whitepaper\\_RUS.pdf](https://go.kaspersky.com/rs/802-IJN-240/images/Social_Engineering_Whitepaper_RUS.pdf) (мурожаат 21.01.2023 соат 10-58)

<sup>4</sup>Число кибератак на организации по всему миру выросло почти на треть // <https://www.rspectr.com/novosti/62641/chislo-kiberatak-na-organizacii-po-vsemu-miru-vyroslo-pochti-na-tret>

жиноятларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш зарурати юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам, жаҳонда товламачилик жиноятларини барвақт олдини олиш ҳамда ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни бу каби тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга, уни ташкил этишнинг янгича механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга талаб кучайиб бормоқда. Бу борада, айниқса, замонавий ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан кенгрок фойдаланишни йўлга кўйиш орқали аҳоли ўртасида ўзини-ўзи товламачилиқдан ҳимоя қилиш усул ва шакллари кенг тарғиб қилишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда товламачилик жиноятини олдини олиш, уни аниқлаш, фош этиш ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек қонунчилик тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Товламачилик жиноятлари латенлигининг юқорилиги уларнинг олдини олишга қаратилган янгича ва замонавий механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига тадбиқ этиш жараёнини янада кенгайтириш ва ушбу соҳани такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга оид қонун нормалари талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида жиноятларнинг, шу жумладан товламачиликнинг олдини бўйича манзилли чора-тадбирларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «...жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш»<sup>5</sup>га қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш» 16-мақсади қилиб, унда «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш»<sup>6</sup> долзарб вазифа қилиб белгиланган.

Шу боис, товламачилик жиноятининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, соҳага замонавий механизмларни, илғор иш усул ва шакллари жорий этиш, мазкур йўналишда ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (02.09.2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6196-сон (26.03.2021), «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон (28.01.2022), «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 81-сон (01.03.2022) Фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони 1-илоvasи 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони 1-илоvasи 16-мақсад // <https://lex.uz/docs/5841063>

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон (14.05.2018), «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5050-сон (02.04.2021) қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Товламачилик жиноятлари, уни содир этиш усуллари, шахсларда мазкур ижтимоий хавfli қилмишга мойилликни шакллантирувчи ва уларни содир этишга имкон берувчи, шунингдек муайян гуруҳ шахсларнинг эса ушбу жиноятлар қурбонига айланишини тақозо этувчи омилларнинг мавжудлиги товламачиликнинг олдини олишнинг янгича механизмларини ишлаб чиқишни ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Бу борада АҚШда жиноятчиликни барвақт олдини олишга хизматқилувчи “ноль бардошлик” доктринаси мавжуд. Қўшма Штатларда полициянинг шаклланиш тарихи шуни кўрсатадики, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамиятда қонунийлик ва тартибни сақлаш йўналишининг динамиклиги, технологик имкониятлар юқори даражада ишга солинганлиги ва мамлакат фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш доирасида амалга оширилганлиги билан самарали ҳисобланади<sup>7</sup>.

Таҳлилларга асосланадиган бўлсак, АҚШда қуйидаги чора-тадбирлар товламачилик билан боғлиқ жиноятчиликни барвақт олдини олишга хизмат қилган деган хулосага келиш мумкин:

*биринчидан*, аҳоли билан кучли ижтимоий йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги натижасида: а) полициянинг маҳаллий ҳамжамиятларга интеграциялашувига эришилди; б) жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди; в) аҳоли билан товламачилик жиноятининг олдини олишда ҳамкорлиги кафолатланди;

*иккинчидан*, ОАВ орқали “ноль бардошлик” ҳақидаги доктринанинг тарғиботи “Жиноят тўхтатилиши керак ва содир этилган жиноят жазоланиши керак” тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилди;

*учинчидан*, жиноятларнинг олдини олишда шахснинг касби, ёши, жинси, диний мансублигига, яшаш жойи қараб табақалаштирилган ёндашув қўлланилди;

*тўртинчидан*, товламачилик жиноятининг барвақт олдини олишнинг ҳар бир предмети тор ихтисослик доирасида ўрганилиши, жинсий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ва жиноятчилик даражасини ижтимоий мақбул даражада ушлаб туриш учун куч ва ресурсларни жамлаш имконини берди;

*бешинчидан*, жамоатчилик фикрини доимий ўрганиш ушбу давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини баҳолаш воситаси ҳисобланади. Бу фаолият самарали фаолият юритаётган аҳоли ҳуқуқларини профессионал тарзда ҳимоя қилувчи тузилманинг давлат имиджини тасдиқлашга интилади<sup>8</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, товламачиликнинг барвақт олдини олиш бўйича қуйидаги хулосалар илгари сурилмоқда:

товламачиликнинг барвақт олдини олишда жамият ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, оилавий қадриятларга зид бўлган турли маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш;

товламачиликлар содир этилишига олиб келувчи омилларни бартараф этиш ва зарарсизлантириш учун оилаларда соғлом тарбиявий муҳитни яратиш ҳамда ота-оналарга

<sup>7</sup>Гордеев А.Ю., К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах//Criminal law and criminology; criminal enforcement law.

<sup>8</sup>Каширина О.Н. Концепция ранней профилактики преступности в Итальянской Республике: содержание, субъекты // Инновационная экономика и право. 2016. № 1 (2). С. 57-66.

тарбия усулларини ўргатишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот тадбирлари, шунингдек тренинглари ўтказиш;

товламачилик жиноятларининг латент бўлиб қолишининг олдини олиш, шунингдек уларнинг содир этилишини тақозо этаётган сабаб ва шароитларни тўлиқ аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича малакали профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мазкур қилмишларга оид хабарлар юзасидан тергов бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш ва қонуний қарор қабул қилишни таъминлаш;

товламачилик жиноятларини аниқлаш, шунингдек уларнинг содир этилишида қўлланиладиган ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар, хусусан порнографик мазмундаги маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, фоҳишабозлик, фоҳишахоналарнинг сақланишига чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказиш;

содир этилган жиноятларни, хусусан товламачиликларни фош этиш ва жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашда, шунингдек ахлоққа қарши ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, тергов ва суддан яшириниб юрган шахслар тўғрисида тезкор ходимларнинг профилактика инспектори билан мунтазам равишда ахборот алмашиб туриш.